



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 4-avgust • Seshanba • 91 (30.052) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Хисобот  
даврида 534,6  
мингта иш  
ўрни, жумла-  
дан, қишлоқ  
жойларида  
327,5 минг  
(61,3 фоиз)  
иш ўрни  
яратилди.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING Қ А Р О И ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектураларни режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Қуйдагилар маълумот учун қабул қилинсин: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қурилишнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди:

2009-2010 йилларда 260,5 млрд.сўм, шу жумладан, 2009 йилда — 65,5 млрд. сўм миқдорда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида яқка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» иқтисодлаштирилган шўба инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин, унинг зиммасига қуйдаги вазифалар юклансин:

уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялаштириш ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

аҳоли буюртманомаларига мувофиқ уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш; кейинчалик «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган яқка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

3. Қуйдаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябрдан минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича тақлифлар тайёрлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябрдан бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинди ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширилади;

аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган яқка тартибда иморат қурувчи «тайёр ҳолда топшириш» шarti билан турар-жой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини билан шартнома тузади;

яқка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини буюртмачи сифатида «тайёр ҳолда топшириш» шarti билан намунавий лойиҳа бўйича яқка тартибдаги турар-жой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади;

қурилиш якунлангандан кейин ва яқка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилингандан сўнг яқка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қимомоди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тартибда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Б.А.Хўжаев) «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, бошқа манфатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-

ликда бир ой мuddатда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини иштирокида яқка тартибдаги уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ: Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта мuddатда иқтисодлаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой мuddатда «Қишлоқ қурилиш инвест» компаниясининг зарур моддий-техника базаси яратилишини назарда тутган ҳолда унинг устав капиталини шакллантирсин, шунингдек, компаниянинг малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, банк устав жамғармаси маблағларини гаров тариқасида қайтариш асосида ажратиб берилишини назарда тутган ҳолда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан айланма маблағлар билан таъминласин.

5. Белгилансинки: яқка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши маҳаллий бюджет ва ҳолийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари: иқтисодлаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини ва унинг минтақавий филиалларига зарур инфратузилмани ташкил этиш учун шартнома асосида ер участкаларини ажратиш тартибда ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминласин;

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси: танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

яқка тартибдаги уй-жой қурилишида қурилиш нормалари ва қондаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Иқтисодлаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини 2014 йилнинг 1 январигагача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мақtab таълимни жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонининг 4-банди қишлоқ жойларида «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кредитлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда иморат қурувчиларга нисбатан таъбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда текширувлар олиб брсин.

11. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 3 август



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берган 2009 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг барқарор оқори суръатларини таъминлади.

### I. Асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгариши ва модернизация қилишни давом эттириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши, шунингдек, инқирозга қарши чораларнинг жадал рўёбга чиқарилиши жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини 4,6 фоизга оширишни таъминлади. Қурилиш ишларининг 32,5 фоиз ўсишини таъминлаган инвестициялар ҳўжалигининг 132,7 фоизга юқори суръатда ошиши, шунингдек, чакана савдо айланмасининг 17,7 ва хизматларнинг 18,5 фоизга ўсиши билан ифода-ланадиган ички эҳтиёжни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари бўлди.

Давлат бюджети даромадлари 100,8 фоизга бажарилди ва бюджет профи-

цити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда таъминланди. Истеъмол бозоридagi мувозанат инфляция даражасини прогност кўрсаткичлари доирасида сақлаш имконини берди (3,6 фоиз). Мамлакатимизнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортчи-корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида қурилган чора-тадбирлар экспорт ҳажмини 2,8 фоизга ошириш, ташқи савдо баланси ижобий сальдосини 1571,2 миллион долларга етказишни таъминлади.

### Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2008 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

| Кўрсаткичлар                       | Ўсиш суръатлари |
|------------------------------------|-----------------|
| Ялпи ички маҳсулот                 | 108,2           |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми          | 109,1           |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 113,1           |
| Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари   | 104,6           |
| Асосий капиталдаги инвестициялар   | 132,7           |
| Қурилиш ишлари                     | 132,5           |
| Чакана савдо айланмаси             | 117,7           |
| Пуллиқ хизматлар кўрсатиши         | 118,0           |

II. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий диверсификация қилишни давом эттириш, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни жадаллаштириш

Биринчи ярим йиллик давомда иқтисодийнинг реал секторига инвестиция фаоллигининг ресурс базасини кенгайтиришга доир изчил чоралар кўрилди. Тижорат банклари-

нинг жами капитали йил бошига нисбатан 11 фоиз, банklar активлари 23,2 фоизга кўпайди. Натижада тижорат банкларининг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий ҳажми 27,2 фоизга ўсди. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида инвестиция мақсадлари учун узоқ мuddатли кредитлар улуши 78,5 фоизни ташкил этди. Аҳоли ва юридик шахслар омонатлари 24,4, жумладан, аҳоли омонатлари 25,3 фоизга ошди.

### Инвестиция дастурларини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида барча молиялаш манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми 32,7 фоизга ўсди ва 6026,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Марказлашмаган инвестициялар ҳажми 45,2 фоизга ўсди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига 71,1 фоиз инвестициялар йўналтирилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатини иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини сақлаш, халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари томонидан қайд этилгандек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини

2,6 баравар кўпайтириш имконини берди. Бунда уларнинг капитал қўйилмалар умумий ҳажмидаги салмоқли улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,0 фоиз ўрнига 25,4 фоизга етди. Улаштирилган хорижий инвестициялар умумий ҳажми 1207,6 миллион доллар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1066,5 миллион долларни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

Депутат Абдуазиз Аминов шаҳардаги маҳаллалардан бирини ободонлаштириш ташаббуси билан чиққанини эшитиб, у меҳнат қилаётган вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига йўл олди. Домла шаҳардаги «Зоминий» маҳалласига кетган дейишди. Маҳаллага келиб, катта ҳашарнинг устидан чиқди. Бир томонда маҳалла чойхонаси биносини пардозлаш ишлари, бошқа ёнда ободонлаштириш юмушлари олиб борилмоқда.

## ОДАМЛАР ТАШВИШИ ВА ҚУВОНЧИ

билан яшаш, уларнинг ишончини қозониш — энг олий бахт



Хусан Тўғривоз олган сурат.

— Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда гузал шаҳримизда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали олдидан маҳаллодошларимиз билан келишиб, чойхонани таъмирлаш, маҳалламизни янада обод қилишни режалаштирдик. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Муртова. — Аммо маблағ масаласи биров ўйлантириб қўйди. Шунда депутат Абдуазиз Ами-

новга маслаҳатга бордик. У киши бизни қўллаб-қувватлаб, бу ишларга бош-қош бўлди. Шаҳар ҳокимлиги ва турли идораларга мурожаат қилиб, ҳомийлик ёрдами уюштиришга кўмаклашди. Ҳар куни келиб ишнинг боришидан хабар олиб туради. Маҳалла марказини таъмирлаш ишлари ҳам туғаш арафасида.

(Давоми 2-бетда)

## ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Авал хабар берилганидек, Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг (ОДКБ) норасмий саммити бўлиб ўтди.

Саммит ишида Ўзбекистон, Арманистон, Беларус, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари иштирок этдилар. Музокаралар чоғида қўллаб-қувватлаш масалалари, жумладан, ОДКБга аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлаш, ташкилотни тақомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди, шунингдек, халқаро терроризм, трансмилий уюшган жиноятчилик, нарқобизнес ва бошқа замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги сўй-ҳаракатлар юзасидан фикр алмашилди.

Урашув иштирокчиларининг фикрича, ўзаро мувофиқлаштирилган ахборот сўвсати юритиш борасида келишувга эришилгани муҳим аҳамият касб этади. Ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича технологиялар маркази тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарлари музокаралар самарали бўлганини таъкидладилар. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий урашувини доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Қирғизистон Республикаси раҳбари Курманбек Бакиев билан урашувини бўлиб ўтди. Президентлар икки ва кўп томонлама муносабатларнинг истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

Ўзбекистон томони жорий йилнинг 1 август куни имзоланган «Россия ҳарбий тузилмаларининг Қирғизистон Республикаси ҳудудида бўлишини мувофиқлаштирувчи ва қўшимча Россия ҳарбий контингентининг Қирғизистон ҳудудида жойлаштирилишини тартибга солувчи Россия Федерациясини билан Қирғизистон Республикасини ўртасидаги икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш ниятлари тўғрисида»ги меморандумда айтиб ўтилган Қирғизистон жанубида Россия қуролли кучлари қўшимча контингентининг жойлаштирилиши борасидаги режаларни амалга оширишдан бирон бир зарурият ва мақбуллик кўрмапти.

Бу каби лойиҳаларнинг мураккаб ва олдидан айтиб бўлмайдиган, Урта Осиёнинг учта республикасини чегаралари бевосита туташган ҳудудда амалга оширилиши ҳарбийлаш ва миллатчиликка асосланган турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи жараёнлар, шунингдек, кенг минтақадаги вазиятнинг жиддий беқарорлашувига олиб келиши мумкин бўлган радикал экстремист кучлар чиқишларининг кучайишига туртки бериши мумкин.



Мамлакатимиз деҳқонлари жорий йилда 1 миллион 315,6 минг гектар майдондаги гўза ниҳолларига ишлов беришмоқда. Пахтачилик тажрибасидан маълумки, август — ҳосилга ҳосил қўшиш оғир ҳисобланади. Бошқача айтганда, шу ойда ҳосил тақдирини ҳал қилади. Ҳўш, августнинг пахтачилик учун ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Айнан бугун деҳқонларимиз гўза парваришида нималарга эътибор қаратмоғи зарур?

# АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОҒИР

Мухбирларимиз Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илмий маркази бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ринат НАЗАРОВга мурожаат қилишди.

— Деҳқонларимиз йил бошидан белни маҳкам боғлаб иш бошлашганда, — деди Ринат Саидович. — Аслини олганда деҳқончиликда ҳар бир ойнинг ўз ўрни, бажариладиган агротехника тадбирларининг аниқ-тиниқ меъёри бўлади. Бироқ пахтачиликда августнинг ўрни бўлакча. Август ойи эса — ҳосилга ҳосил қўшиш оғир, деб бежиз айтилмайди. Бу даврга келиб гўза кўзга кўриниб қолади. Унда шоналар, гуллар, кўсақлар пайдо бўла бошлади. Зотан шу кунларда пайдо бўлган кўсақлар тўлишиб, ой охирида қийғос очилиб, лўппи-лўппи пахта бўлади.

Очиғи, бу йил деҳқонларимиз учун чигитни ундириб олиш осон бўлмади. Кўкларнинг серёғин келиши экин-тикин ишларини орқага суриб, анчагина қийинчиликлар туғдириди. Март-апрель-май ойларида ёққан ёмғир микдори республика бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5-2 баробарга, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса 2,5-3,5 баробарга кўп бўлди. Оқибатда чигит экиш муддати 7-10 кунга қўзилиб кетди.

Деҳқонларимиз экин-тикин мавсумнинг бундай ноқулай келганига қарамай, аввало, ўзларининг кўп йиллик тажрибасидан суньяни иш тутдилар. Бунда ҳукуматимиз томонидан уларга муносиб иш шариоати яратилгани, ёнги-ой-май материаллари ва минерал ўғитлар дала бошига олиб бериб берилгани айни муддао бўлди. Бундан ташқари минерал ўғитлар ҳар йилда 10-12 кун эрта етказиб берилди. Натижада ривожланишдан орқада қолган гўзалар йўқ. Бўлиқ кўсақлар пайдо бўлаётти.

— Август ҳосилга ҳосил қўшиш оғир, айни вақтда пайдо бўлган ҳосил нишонлари — шона ва гулларни бўлиқ кўсақка айлантириш даври. Бундан буён нималарга эътибор бериш лозим?

— Август — деҳқончилик тақвимидаги асад ойига тўғри келади. Халқимизда «Асад — экиннинг яса» деган нақл бор. Бунинг маъноси катта. Гўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари шу пайтга тўғри келади. Шунинг учун бу ой ҳосилга ҳосил қўшиш оғир ҳисобланади. Мазкур ойдаги фидокорона меҳнат кўп жиҳатдан олинадиган ҳосил салмоғини белгилайди. Гўзани сугориш, культивация қилиш, зараркундаларга қарши курашнинг жиддий эътибор бериш жоиз. Асаднинг ўзига хос томони шундаки, сувчи, механизатор, энтомолог, хуллас, ҳамма бир ёқадан



бош чиқариб ишга масъулият билан ёндашмоғи шарт. Чунки бу ойдаги агротехник тадбирларнинг нозик жиҳатлари бор. Уни бақамати бўлиб, бекаму кўст адо этмасдан туриб, мўл ҳосил олиш мумкин эмас. Шунинг учун бу масъулиятли даврда экинни бақувват қилишга эътибор қаратиш лозим. Ана шунда гўзада шона ва гуллар қўлайиб, кўсақлар сони ортиб боради.

Маълумки, ҳеч бир экин сувсиз ривожланмайди. Ҳар бир экинга сув ҳаводек зарур. Айниқса, гўзага. Буни сувчилар жуда яхши билишади. «Чилла суви — тилла суви», деган нақл бекорга айтилмаган. Миришкор, ўз ишининг мидридан сиригача яхши билган сувчилар бу ишни пухта амалга оширишганига имонимиз комил.

Энди асад сувига келсак. Доно халқимиз «Асад суви — асал суви» деб бежиз айтмаган. Чиндан ҳам бу ойда гўзани маромида, қондириб сугоришда гап кўп. Айниқса, тунда сугоришда, кўпроқ фойдаланилади. Зеро, шунда обихаёт экиннинг илдизида чуқур сингиб боради. Иккинчидан, сув бекорга буғланиб кетмайди. Оқибатда тунги салқинда гўза қониб сув ичади. Аммо сугоришда ҳушёрлик керак. Гўзани чуллатиб ҳам, кўллатиб ҳам бўлмайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳосил нишонлари тўқилади.

Августда таралган сув — гўзага мисли қон. У экин томирларига етиб, жон бағишлати культивациянинг нечоғли сифатли бажарилгани ҳам боғлиқ. Мутахассислар жорий йил культивацияни тўплов етилиши билан тез-тез ва сифатли ўтказишни, чопикни 5 сентябрдан давом эттиришни маслаҳат беришаётти. Культиваторнинг тегишли ишчи органлари «балк серти» қилиб ўралиб, «йўрттириб» эмас, балки «одимлатиб» юргизиш талаб қилинади. Ана шунда сувдан кейин униб чиққан бегона ўтлар бутунлай йўқолади. Гўзанинг илдиз тизимига зарур бўлган ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, унинг ривожини жадалашади.

Культивация бир кун кечика ҳам зарар. Жўяқлар куриб, ер ёрилиб, оқибатда гўза томирлари шикастланади. Бир томир узилган битта шона, битта гул, демакки, битта кўсақ нобуд бўлди, деганидир. Шунинг учун гўза парваришида миробу механизатор ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёсдир.

— Мутахассисларнинг фикрича гўзага минерал ўғитлар бериш яқунланган. Бу энди экинни озиклантиришдан фойда йўқ дегани

## Долзарб мавзу

эмас албатта. Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Ҳаммага, айниқса деҳқонларга яхши маълумки, ерни алдаб бўлмайди. Шунинг учун деҳқон ерни ҳам маҳаллий ўғитга, ҳам минерал ўғитга тўйдирлади. Биласизми ҳозир қайси далага борманг, «шарбат» ўраларига

кўзингиз тушади. Бу ўраларда маҳаллий ўғит ивителиб, гўзага таралаётгани кўзга кўринади. Чунки «шарбат» сувига қонган гўза қатор ораларида нам узок сақланади. Оқибатда ер сувсираб, эгاتлар ёрилиб кетмайди. Энг муҳими, гўзанинг сувга бўлган талаби бир ҳафтага узаяди. Шу ўринда «шарбат» сувига қонган гўза ривожини 8-10 кунга тезлашади, ҳосил нишонлари бақувват бўлади.

Шу ўринда яна бир тадбирга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тажрибали деҳқонлар ҳосил тақдирини ҳал қиладиган ҳам даврда қатор орада «варақлаш»ни қанда қилмайдилар. Бунинг афзал жиҳати шундаки, далада гўзанинг аҳоли қандайлиғи билан танишилади. Шунга қараб иш қилинади. Иккинчидан гўза бағрига шамол тегади. Пайкални диоганал бўйлаб кесиб оранаса янада яхши бўлади.

Сезган бўлсангиз, август кириши билан ҳарорат пасайиб, тунлар салқин тушаётти. Бу кўсақ курти, ўргимчакана каби зараркундаларнинг кўпайишига қулай шариотини юзга келтиради. Модомики, бундай ҳаётотлар белги берад экан, уни даф эттишни чорасини кўриш зарур. Юртимизда зараркундаларга қарши асосан биологик усулдан фойдаланилади. Биолобаротриятларда етиштирилган трихограма, бракон ва олтнкўз кўсақ курти, ўргимчакана каби зараркундаларнинг қушандаки ҳисобланади. Бу усул экологик жиҳатдан мутлақо безарар, иқтисодий тарафдан эса тежамкордир.

Биологик кураш жараёнида мутахассислардан ҳам алоҳида маълумият, маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиб, ташаббускор бўлиш талаб этилади. Негаки, пахтачилик эмас, балки «одимлатиб» юргизиш талаб қилинади. Ана шунда сувдан кейин униб чиққан бегона ўтлар бутунлай йўқолади. Гўзанинг илдиз тизимига зарур бўлган ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, унинг ривожини жадалашади.

Бири сўз билан айтганда, тажрибали деҳқонлар август — пахта ҳосилга ҳосил қўшадиган ой эканини яхши билишади. Шу боис бу пайтда тунни тонга улаб, меҳнат қилишади. Зотан, бугунги машаққатли меҳнат эвазига келадиган даромаддан, энг аввало, ўзлари баҳраманд бўлишларини яхши англайдилар. Қолаверса, пахтачилик ривожини иқтисодий тизимнинг янада юксалишига, юртимиз ободлиғига хизмат қилади.

Сухбатдош: Ю.ЗИЁДОВ, Ш.РАСУЛОВ.

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Ижтимоий ҳаётда, сиёсий жараёнлару маданий жабҳада, тиббиёту тарбияда ҳам панд беради.

Бугунги кунда жаҳон ҳам-жамиятини ташвишга солаётган муаммо — А/Н1Н1 вирусининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши бепарволикнинг оқибатидир. Шу йил март ойи ўрталарида Мексикада бошланган бу янги грипп касаллиги айни пайтда дунёнинг 125 та мамлакатига тарқалиб улгурди.



## Огоҳлик — зарурат

рилди, яъни футбол ўйинларига кўп томошабин йиғмаслик ўқтирилди. Украинада ҳам мактаблар фаолиятини 1 сентябрдан эмас, балки кечроқ бошлаш таклифи илгари сурилди.

Бу каби тавсияларнинг кун тартибига чиқиши бежиз эмас. Кўзда А/Н1Н1 вирусининг хуружи янада фолланиши.

Шу ўринда савол туғи-

# БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

## Қимматга тушади

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига 193 та давлат аъзо эканини ҳисобга олсак, тўрт ярим ойда деярли касаллик 80 фойза мамлакатга тарқалиши одами хушёр тортилади. 26 июлгача дунё бўйича ушбу касалликка чалинганлар сони 175 минг 785 кишини ташкил этди. 1116 киши айнан шу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 11 июнда касаллик хавфининг энг юқори нуқтаси — олтинчи даражали пандемия эълон қилган, дунё мамлакатлари хасталикка қарши жиддий кураш бошлаган бўлса-да, бу хавф хануз сақланиб турибди. Айниқса, Жанубий Америка ва Шимолий Америка бу гриппдан энг кўп азият чекаётган ҳудудлардир. Агар касаллик тарқалиши шу зайдга давом этса, йил охирига бориб Ер шарини аҳолисининг учдан бир қисми айнан шу вирусга чалинар экан. Жаҳон со-

бунинг натижаси яхши бўлса, сентябрь охиридан октябрда эса ойини қилиб, уйқусизлик, диарея, бош оғриғи, йўтал ва қоринда оғриқ пайдо қилиши мумкин. Шунинг учун уларга «Арибидол», «Кагоцел», «Ингавирин», альфа ва гамма интерферонларини тавсия этилмоқда.

Буёқ Британия олимлари эса ҳукуматга таклиф билан чиқиди. Мамлакатда касаллик тарқалишини камайтириш учун кўзда, яъни А/Н1Н1 гриппи ва одатдаги мавсумий грипп айни авга минадиган паллада мактабларни ёпишни тавсия этди. Улар Франциялик тадқиқотчилар тақлиларини ўрганиб, шундай қарорга келишди. Франциялик олимларнинг ҳисоб-китобича, ўқув мусассасаларини ёпиш грипп тарқалишини 13-17 фойзага камайтиради. Грипп вируслари энг фаол паллага кирган пайтда — кўзда бу курсатки 38-45 фойзага етиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Британия ҳукумати мамлакатда вирус тез суруятларда тарқалишининг олдини олиш учун бир қатор чоралар ўйлаб қўйди. Жумладан, касаллик кенг тарқалмаслиғига энг осон чора одамларнинг бир жойга тўпланмаслиғидир. Шу вақдан эндиликда содир этилган ҳатто майда киноялар учун жиноятчиликни судда қўпчиликни тўплаб муҳокама қилиш



глиқни сақлаш ташкилоти бош директори ёрдамчиси Кэйдзи Фукуда бу ҳақда халқаро ҳамжамиятни огоҳлантирди.

Аммо ЖСТ 26 июлдан эътиборан касалликка янги чалинганларнинг статистик маълумотларини дунё бўйича йиғиш ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш учун уни ОАВда эълон қилиб боришдан негадир воз кечди.

Лекин айнан ЖСТ саъй-ҳаракати билан жаҳон жамоатчилиги бу касаллик ҳақида, унинг характери ва тарқалиши хусусиятлари тўғрисида ҳар қалай етарли маълумотга эга бўлди.

Бугунги кунда унинг оқибатларини бартараф этиш билан бирга, келгуси хуружлари ва кенг миқёсда тарқалишининг олдини олиш мақсадида анчанамуна ишлар қилинмоқда, янги режалар тузилмоқда. Жумладан, Касалликни назорат қилиш ва профилактикаси бўйича Америка мутахассислари маркази А/Н1Н1 вирусига қарши яратилган вакцинани 23 июлдан кўнгилиларда синаб кўришни бошлади. Агар

конларидан 216 та намунаси зардоби таҳлилдан ўтказилганда шу нарса аниқландики, уларда «чўчка гриппи»га қарши «антигела»лар бор экан. Буни олимлар қўйидаги таҳлилларида: А/Н1Н1 вирусининг 1918 йилда авж олган «испанка» гриппига ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Уша пайтда «испанка» эпидемиясидан 25 дан 40 миллионгача одам

А/Н1Н1 гриппи аломатлари мавсумий грипп ва ўткир респиратор хасталиғи белгиларидан фарқ қилмайди. Хасталик нафақат ҳаво-томчи, балки мулоқот йўли билан ҳам юқishi мумкин.

Беморда тана ҳароратининг кўтарилиши, этувшиши, ҳоҳсизлик, бош оғриғи, иштаҳа пасайиши, танада оғриқлар сезилиши кузатилади. Тана ҳарорати бир неча соат ораллида 38,5 — 40 С даражагача кўтарилиб, беморнинг аҳоли жиддий оғирлашади.

қилириб кетганлиги ҳақида маълумотлар бор. «Испанка» гриппига чалинган, лекин тирик қолган одамлар қонида халигача «антигелалар» мавжуд экан.

Яна бир гап. Бундан бир

неча ой аввал «чўчка гриппи»ни даволашда «Тамифлю» дориси қўл келиши ҳақида ЖСТ маълум қилган ва тавсия этган эди. Эндиликда бу дорини болаларга тавсия этиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи курсатмоқда. Россия Тиббиёт фанлари академиясининг Илмий тадқиқот институти директори Олег Киселевнинг айтишича, болалар организмда сезувчанлик юқорилиғи боис «Тамифлю» уларга акс таъсир этиши, яъни қайт қилиш, уйқусизлик, диарея, бош оғриғи, йўтал ва қоринда оғриқ пайдо қилиши мумкин. Шунинг учун уларга «Арибидол», «Кагоцел», «Ингавирин», альфа ва гамма интерферонларини тавсия этилмоқда.

Буёқ Британия олимлари эса ҳукуматга таклиф билан чиқиди. Мамлакатда касаллик тарқалишини камайтириш учун кўзда, яъни А/Н1Н1 гриппи ва одатдаги мавсумий грипп айни авга минадиган паллада мактабларни ёпишни тавсия этди. Улар Франциялик тадқиқотчилар тақлиларини ўрганиб, шундай қарорга келишди. Франциялик олимларнинг ҳисоб-китобича, ўқув мусассасаларини ёпиш грипп тарқалишини 13-17 фойзага камайтиради. Грипп вируслари энг фаол паллага кирган пайтда — кўзда бу курсатки 38-45 фойзага етиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Британия ҳукумати мамлакатда вирус тез суруятларда тарқалишининг олдини олиш учун бир қатор чоралар ўйлаб қўйди. Жумладан, касаллик кенг тарқалмаслиғига энг осон чора одамларнинг бир жойга тўпланмаслиғидир. Шу вақдан эндиликда содир этилган ҳатто майда киноялар учун жиноятчиликни судда қўпчиликни тўплаб муҳокама қилиш

Эпидемия ва эпизоотияга қарши тадбирларни амалга оширишда Давлат ветеринария хизматининг ҳам ҳиссаси катта. Мазкур хизмат ходимлари томонидан мол ва деҳқон бозорлари, қушхона, сўйиш майдончалари, гўшт дўконларида назорат қўйиштирилган. Жойларда ветеринария гуруҳлари ташкил этилиб, барча чорвачилик объектлари дезинфекция қилинмоқда. Уз навбатида давлатлараро чегара ҳудудларида ташкил этилган давлат ветеринария назорати пунктларида четдан киритилаётган чорва ва чорва маҳсулотлари текширувдан ўтказилиб, махсус русхатнома берилгандан сўнггина юртимиз ҳудудига киритилаётти. Бу эса вазиятни барқарор сақлашга хизмат қилляпти.

Дарҳақиқат, мутахассис фикридан шунини ўқиш мумкинки, бугун огоҳлик заруратга айланган. Шундай экан, мамлакатимизга ушбу касаллик кириб келмаслиғи ва тарқалмаслиғини таъминлаш учун курашни нафақат мутасадди ташкилот ёки идоралар ходимлари, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Алимқул СУЛТОНОВ, шорқолвачи.

# АЛОҚАЛАР «МУЗЛАТИЛАДИ»

элчи чақириб олинади

Венесуэла президенти Уго Чавес кўшни давлат Колумбия билан алоқаларни «музлатиш» ва у ердаги ўз элчисини чақириб олиш ҳақида баёнот берди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида тузилган барча савдо битимларининг амал қилиши ва Колумбиядан маҳсулотлар импорти тўхтатилади.

«Associated Press» Анинг ёзишича, икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг бу тарзда кескинлашуви Колумбия маъмуриятининг Колумбия инқилобий курали кучлари (КИКК) жангариларига Венесуэла томонидан кураш-яроғ етказиб бераётгани тўғрисидаги айблови сабаб бўлди.

Колумбия вице-президенти Франсиско Сантоснинг айтишича, яқинда Колумбия армияси томонидан КИКК жангариларига қарши ўтказилган ҳарбий операцияда Швецияда ишлаб чиқарилган танка қарши комплекс қўлга киритилган. Бундай комплексни Швеция ўзаро тузилган битимга қўра, Венесуэлага етказиб беради.

Швеция маъмурияти бу кураш қандай қилиб КИКК жангарилари қўлига тушиб қолгани ҳусусида Венесуэладан тушунтириш беришни талаб қилди.

Венесуэла раҳбарияти эса бундай айбловларни рад этиб, куралини айнан Венесуэла етказиб берганини далилловчи исбот талаб қилди.

Эслайтиб ўтайти: 2008 йил март ойида ҳам Венесуэла маъмурияти Колумбиядан ўз элчисини чақириб олган эди. Ушунда икки мамлакат ўртасидаги кескинликнинг вужудга келишига Колумбия ҳарбийларининг Эквадор ҳудудига КИКК жангариларига қарши жанговар ҳаракатлар бошлаганлиги сабаб бўлган эди. Ушунда Венесуэла раҳбарияти Колумбия томонидан жанговар ҳаракатлар Венесуэла ҳудудига ҳам ўтказилишидан хавфсизан эди.

Венесуэла президенти Уго Чавес кўшни давлат Колумбия билан алоқаларни «музлатиш» ва у ердаги ўз элчисини чақириб олиш ҳақида баёнот берди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида тузилган барча савдо битимларининг амал қилиши ва Колумбиядан маҳсулотлар импорти тўхтатилади.

«Associated Press» Анинг ёзишича, икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг бу тарзда кескинлашуви Колумбия маъмуриятининг Колумбия инқилобий курали кучлари (КИКК) жангариларига Венесуэла томонидан кураш-яроғ етказиб бераётгани тўғрисидаги айблови сабаб бўлди.

Колумбия вице-президенти Франсиско Сантоснинг айтишича, яқинда Колумбия армияси томонидан КИКК жангариларига қарши ўтказилган ҳарбий операцияда Швецияда ишлаб чиқарилган танка қарши комплекс қўлга киритилган. Бундай комплексни Швеция ўзаро тузилган битимга қўра, Венесуэлага етказиб беради.

Швеция маъмурияти бу кураш қандай қилиб КИКК жангарилари қўлига тушиб қолгани ҳусусида Венесуэладан тушунтириш беришни талаб қилди.

Венесуэла раҳбарияти эса бундай айбловларни рад этиб, куралини айнан Венесуэла етказиб берганини далилловчи исбот талаб қилди.

Эслайтиб ўтайти: 2008 йил март ойида ҳам Венесуэла маъмурияти Колумбиядан ўз элчисини чақириб олган эди. Ушунда икки мамлакат ўртасидаги кескинликнинг вужудга келишига Колумбия ҳарбийларининг Эквадор ҳудудига КИКК жангариларига қарши жанговар ҳаракатлар бошлаганлиги сабаб бўлган эди. Ушунда Венесуэла раҳбарияти Колумбия томонидан жанговар ҳаракатлар Венесуэла ҳудудига ҳам ўтказилишидан хавфсизан эди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**танлов ташкил этилганлигини эълон қилади ва қўйидаги манзилларда — Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Халқобод посёлқаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчинор посёлқаси, Чордара маҳалласида жойлашган мол-мулкни сотиб олиш тўғрисидаги таклифларни қабул қилади.**

Сотиладиган мол-мулк қуйидагиларни ўз ичига олади: маъмурий бино, ишлаб чиқариш бинолари, қозонхона биноси, дўкон, меҳмонхона биноси, омборхоналар, шу жумладан, асептик сақлаш

омбори, шунингдек, томатлар, олма ва узумга бирламчи ишлов бериш ускуналари, асептик сақлаш учун мўлжалланган вертикал идишлар, қозонхона ускуналари, автотарозилар, қуйиб қадоқлаш

линияси ва трансформатор.

Корхонанинг олий бошқарув органи имзолаган ва расмийлаштирилган таклифларнинг асл нусхалари қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 101. Ўзмилийбанк, Лойиҳаларни молиялаш маркази. Телефон: 235-17-02, 235-38-52.**

Ободлик кўнгилдан бошланади

ФАРРОШ МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАНГ

Гулчехра Аҳмедова ҳар кун эрта тонгда ўзи яшайдиган Қоратош маҳалласи кўчаларидан катта йўлга — автобус бекатига ошиқаркан, бир хил манзаранинг гувоҳи бўлади. Хонадонларнинг келинчаллари, бўйи етган қизлари худди келишиб олгандек, бир вақтда чиқиб, уйлари олдини, йўлаклари супура бошлайдилар. Ёз кун қўча супуришнинг ўз қоидаси бор — чанг кўтаришмаслиги учун олдин салгина сув сеппиб, сўнг супура-сиз. Охирида яна сув сеппангиз, кўчанинг файзига файз қўшилади, губорлар арийди. Гулчехра бу келин-қизларга меҳр билан қараб, баҳри дили очилади.



Ропна-роса соат саккизда ишга — пойтахтнинг қоқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

Бир соатгина олдин бу ер топ-тоза эди. Афсуски, гуруч орасидаги курмадек, меҳнатимизни қадрламайдиганлар ҳам учраб туради.

Бундайларни кўрганда Гулчехра уларга озгина танбех беради. Фаррошнинг даққисидан кейин ерга ташлагани — музқаймоқ кутиси ёки сигарет қолдигини қайта қўтариб, махсус кўтига элтадиганлар кўп. Аммо, мана бундай жавоб берадиганлар ҳам топилади:

— Тозалаш сизнинг вазифингиз, бунинг учун ҳақ олясиз... Бу гаплардан оғринди. Сўнг «ҳар хил одам бор-да», — деб ўзини ўзи юпатади.

Шу ўринда бир нарса кишини ўйга толдиради. Фаррошлар уйқуни чала қилиб, эрта тонгда кўчага чиқишади. Кўча йўлаклари, майдонлари супуриб-сидиришади. Кимлардир чеч ўйлаймай ташлаб кетган турли пакет, музқаймоқ кутиси, баклашка, сигарет қолдиқларини териб олишади, ўриндиқлардаги чангу губорларни артишади... Богбонлар йўллар чети ва хиббонлардаги турфа гулларга, ям-яшил майсаларга сув қуйишади, сеппишади. Афсуски, айримлар бу меҳнатнинг қадрига етишмайди.

— Тарбиянинг боши — оиладан, — дейди Гулчехра. — Кўча-қўйда юрганнида, бирон ташкилотга иш билан бориб қолсам, атрофни фаррошнинг кўзи билан кузатаман. Ивирсиб ётганини кўрсам, бу фаррошнинг чала иши натижасини ёки одамларнинг эътиборсизлигини — дарров ажратиб оламан. Кўпинча кўп қаватли уйлар олдида ахлатхонага етмай қўлидаги елим халта тўла пўчқони йўлак чеккасига қўйиб кетаётган катталарни кўраман. Улар боласига қандай тарбия бериши мумкин?!

У ҳақ гапни айтди. Бола тарбияси аввало ота-онага боғлиқ. Болалар катталарга қараб ибрат олади.

Баъзан хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари атрофида сочилиб ётган турли қадоқ қозғолири,

Бундайларни кўрганда Гулчехра уларга озгина танбех беради. Фаррошнинг даққисидан кейин ерга ташлагани — музқаймоқ кутиси ёки сигарет қолдигини қайта қўтариб, махсус кўтига элтадиганлар кўп. Аммо, мана бундай жавоб берадиганлар ҳам топилади:

Ташкилотнинг қўқ марказидаги Амир Темур хиббонига етиб келади. Коржонасини кийиб, қўлига иш қуролини олиб, вазифини бажаришга киришади. Гулчехранинг иш қуроли — супурги ва ҳокандоз.

бетон ариқларда баклашкаларни кўриб таъбингиз хира бўлади. Кўча-қўйда савияси ҳар хил одам бўлади, дейишингиз мумкин. Турли идора ва ташкилотларда эса асосан ўқимишли, зиёли одамлар ишлайди. Баъзан ана шу жойларда ҳам кўнгилни хира қиладиган қаровсизлик ҳолатлари учрайди. Кечагина ишончлиқ фойесини тозалашган фаррошнинг шикоятини эшитдим.

— Инсоф қолмади одамларда, — деди у фойедаги каттагина гилтувак олдида туриб. — Кечагина тозаланганим, бугун гул тагидан яна бешолтита сигарет қолдигини тераяман...

Пойтахтимиз Тошкент кун сайин чиройи очиб, кўркамлашиб бормоқда. Маҳаллий ҳокимият, фуқаролар йиғинлари озодлик ва ободончиликка катта эътибор қаратмоқда. Лекин айрим ҳолатларни кўриб, «ободлик кўнгилдан бошланади», деган ҳикмат нақадар ҳақиқатлигига имон келтирсан киши. «Шу кўча — менинг кўчам», «Шу маҳалла — менинг маҳаллам», «Шу шаҳар — менинг шаҳрим», деган туйғуни, гурури бор одам тозалик ва озодликни эъзозлайди. Ўз маконига гард юқтирмайди. Қолаверса, ҳар бир маҳалла ёки шаҳардаги озодликка, саранжом-сарилталikka қараб, ўша ерда яшайдиган аҳоли маънавиятига, маданиятига баҳо берилади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратда: ҳар кун савоб ишни бажарётган фаррошлардан бири Гулчехра Аҳмедова. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ПАРТИЯ МАТБУОТИ — ПАРТИЯНИНГ ОВОЗИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ихроия қўмитаси ҳайъати партия матбуот нашрларига 2010 йил учун обунани ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Партияимиз нашрларига обуначилар сафи қанча ошса, газеталаримиз ташкилоту хонадонларга қанча кўпроқ кириб боради, дейишингиз мумкин.

Обуна — 2010

жорий йилнинг 1 июлидан бошланганини ҳисобга олиб, биринчи навбатда партия тузилмалари (ЎзХДП кенгашлари, бошлангич ташкилотлари, барча аъзолари) ва электротар орасида, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимида, партияимиз ижтимоий шериклари бўлган ташкилотларда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарини кенг тарқатиш чора-тадбирлари кўриломоғи зарур. Жойларда обунани ташкил этишда партия кенгашлари раислари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари бевосита ишларига масъулият билан ёндашмади, бошлангич партия ташкилотла-

публикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларидаги депутатлар ўз сайлов округлари ҳудудида истиқомат қилувчи электротар вакиллари орасидаги кам таъминланган оилаларга обунани ҳомийлар ёрдамида уюштиришда амалий ёрдам кўрсатиши тавсия этилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти, газеталарнинг вилоятлардаги ўз мухбирлари обунани давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, иқтисодиёт, транспорт, савдо ва бошқа тизимларда ташкил этишга масъул экани таъкидланади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан обуна жараёни мониторинги олиб борилади. Партия матбуотида обунани ташкил этиш ЎзХДП говийи дастури, мақсад-муддоси, амалий ишлари тарғиботининг энг муҳим воситасидир.

Қиғир иш — келтирар ташвиш ФИРИБГАР

Ҳамма замонларда ҳам муаллимларга иззат-иқром кўрсатишган. Улар устоз сифатида отадек қадрланган. Уларнинг ўғиллари бизни фақат тўғри йўлга бошлайди. Лекин муаллим ўз насиҳатларига ўзи амал қилмас-чи? Шу босими, бир вақтлар ўзимга ҳам «тўғрилик тўғра бошлайди», дея ҳаёт фалсафасини ўқитган домла А.Бобоев ҳақидаги жиноят тафсилотини қозғога туширишда бироз истиқлолга бордим (мақоладаги исмлар ўзгартирилди).

Алишер Тошкент ҳарбий техника Олий билим юртига ўқишга кириш орзусида узок тайёргарлик кўрди. Тест синовлари яқинлашган сайин ҳаёжон ортди. Ақаси Баҳодир бир домлани топди, у билан «келиш»ганини эшитган, бироз хотиржам бўлди. Бирок, «Наҳотки, шундай нуфузли билим даргоҳида ҳам таниш-билиш роль ўйнаса», деган ўйга бориб, кўнгли рашланди.

— Гап битта, Баҳодиржон. Сиз унгангизнинг ҳужжатлари билан 3000 та «қўқ» келтиринг, бугунги бизга қўйиб бering. — Домла, мен сизга ишонманам. Аммо... — Ишонсангиз бўлди. «Аммо»га ҳожат йўқ.

Бўхородаги олий ўқув юртидан бирида узок йиллар бўлажак педагогларга сабоқ берган, ёши олтинчиси қоралаб қолган домла шайтон сўзларига қулқ солди.

Алишер Ҳабибовнинг ўрта таълим муассасасини тугатганиги тўғрисидаги шаҳодатнома, Бўхоро шаҳар Мудофаа ишлари бўлими томонидан берилган ҳарбий рўйхатга қўйиш гувоҳ-

номаси ҳамда 3000 АҚШ долларини қўлга киритган Абдусатор Бобоев ўқитувчилик шаънини, бу «йўл» уни шармандаликка олиб боришини ўйламоқда...

Кулолон қишлоғида яшовчи Азизжон Қодиров ҳам унинг тузогоғи иланиди. Домла ундан ҳам 3000 доллар «ундириди». Ширин ваъдалар билан ўқишга кириш учун керак бўладиган ҳужжатларини ҳам олиб қолди.

«Қоғон» қишлоқ фуқаролар йиғини Навбахор қишлоғида яшовчи Эргаш Раҳимов ҳам унга ишониб, чув ташган эди...


У фирибгарлиги фош бўлган ҳам турли баҳоналар билан одамлар пулини қайтаргиси келмайди...

2009 йил январь ойининг 12 кунинда Жиноят ишлари бўйича Бўхоро туман суди томонидан Олий Махлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрь куниндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 6-банди доирасига тушган домла А.Бобоевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Аммо, энг оғир жазо бу — одамлар назаридан қолиш, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ олдида юзқоралик. Бу «жазо»га амнистия қўлланилмайди, бу доғни ювиб ташлайдиган восита ҳам топилмайди.

Анвар АСАДОВ, Бўхоро туман прокурори ёрдамчиси.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ — МУҚАДДАС ВАЗИФА

Урганч ижтимоий иқтисодиёт коллежини шу йил 490 талаба биттирди. Улардан 49 фойизи ишга жойлашди. Ҳар кун эрталаб сеvimли ишхонам томон йўл олар эканман, бутунги кун ёшлари, уларнинг келажак ҳақида ўйлайман. Шунда бешитиёр Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари эсимга тушади:



фратузилмаси учун зарур бўлган банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия, солиқ ва солиққа тортиш, менежмент, иқтисодчи-ҳуқуқшунос иқтисодчилари бўлган ўрта махсус малакали кичик мутахассислар тайёрламоқда. Ҳозир коллежда 2 нафар профессор, 4 нафар фан номзодини ва кўплаб малакали ўқитувчилардан иборат ахил педагогик жамоа фаолият кўрсатмоқда. Уқувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида виллатдаги йирик молия муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари ту-

ти Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган «Ёш сибастчи» кўрик-танловининг шаҳар босқичида коллежимизнинг тарих фани ўқитувчиси Юлдуз Юлдашева фахрли 1-уринни эгаллади.

Илм даргоҳимизда танникли давлат ва жамоат арбоблари, эл севган шоир ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Уларни ташкил қилишда Республика кўрик-танловида мутлақ голибликни қўлга киритган «Хазина» бадий жамоасининг хизмати катта.

Талабаларимиз орасида спортнинг кураш, бокс турлари билан шуғулланиб, юртимиз байрогини баланд кўтарётган ёшларимиз анчагина. Улардан Азамат Хўжаев, Бобур Вапаев, Фодур Абдуллаев ва Элёрбек Ёшчанов номларини фахр билан тилга олак арзийди.

Бир сўз билан айтганда, коллеждаги қизгин меҳнат жараёни ёш авлодини биллимли ва ҳар томонлама етук мутахассис қилиб тарбиялашдек муқаддас вазифини бажаришга хизмат қилади.

Баҳодир ИБРАГИМОВ, Урганч ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг директори.

SPORT СПОРТ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАИЛАНДДАГИ ҒАЛАБАСИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтаётган спортнинг яққакраш турлари бўйича I Осиё ўйинлари Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли бошланди. Вакилларимиз таэквондо (ВТФ) ва дзюдо беллашуварларида иккита қумуш ва учта бронза медалини қўлга киритди. Жорий йилнинг 1 август кунини бошланган Осиё ўйинларида қирқдан зиёд мамлакатдан келган 2500 нафарга яқин спортчи каторида қирқ уч нафар ҳамюртимиз мусобақа дастурига киритилган барча спорт турлари бўйича голиблик учун куч синашмоқда.

Жанговар яққакраш турлари бўйича I Осиё ўйинларида дастлабки медаллар жамланмаси таэквондо ва дзюдо беллашуварларида қатнашган спортчиларимизга насиб этди. Таэквондо (ВТФ) бўйича мамлакатимиз чемпиони, 2006 йили Дохада (Қатар) ўтказилган XV ёзги Осиё ўйинлари қумуш медаль совриндори Евгений Каримова бу гал ҳам ўз вазн тоифасида финалга чиқиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Дзюдочилардан Ирода Абдураҳмонова қумуш медалга, Хуршид Набиев, Уткир Саломов ва Мария Шекерова эса ўз вазн тоифасида бронза медалга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Ўза шарҳловчиси

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

Марат Кабаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U19) 2010 йилда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларидаги иштирокини белгиланган вақтдан сал кечроқ бошлайдиган бўлди. Боси бизнинг гуруҳдан ўрин олган Эрон терма жамоасининг илтимосига биноан саралаш баҳслари 1-15 ноябрдан 8-18 декабрь санасига қўчирилди.

Саралаш баҳслари Покистоннинг Лахор шаҳридаги «Punjab» ва «Railways» стадионларида бўлиб ўтади. Терма жамоамиз биринчи турда мезбонлар — Покистон терма жамоаси билан беллашса, сўнгги турда гуруҳдаги энг кучли рақиб — Эрон термасига қарши майдонга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, биз иштирок этадиган «D» гуруҳидан терма жамоамиздан ташқари Эрон, Ливан, Туркманистон, Мальдив ороллари ва Покистон терма жамоалари ўрин олишган.

Publication details including contact information for Bosh Muharrir, Safar Ostonov, and various regional offices. Includes ISSN 2010-7633 and ISSN 2010-7633.